



Унга очинг, энг яқин дўстга айтгандек. Изланишларингиз, шубҳаларингиз, қувонч ва қайғуларингизни айтинг.

- Хушxabарни ўқиш. Ҳар куни бир неча оятдан бошланг. Қадимий китоб сифатида эмас, балки севган Ота томонидан сизга шахсий ёзилган хат сифатида.
- Кичик севги иши. Ғамгин одамга табассум қилиш, муҳтожга ёрдам бериш, ўткир сўздан тийилиш - мана шу ҳақиқий бахтга бир қадам.

Ҳаётнинг маъноси - мураккаб назария эмас, балки "Йўл, Ҳақиқат ва Ҳаёт" бўлган Исо Масиҳ билан учрашувдир (Юҳанно 14:6). У нафақат йўл кўрсатади, балки биз билан бирга юриб, ҳақиқий, чексиз бахт сари олиб боради.



Шлтимос, ушбу рисолаи ташламанг ва уни маиший мақсадларда ишлатманг. Унда Худонинг исми ёзилган. Агар сизга энди керак бўлмаса, уни бошқа бировга беринг ёки православ черковига қайтаринг.

МОСКОВСКАЯ ПРАВОСЛАВНАЯ СРЕДНЕАЗИАТСКАЯ ОБЩИНА

Если Вы хотите участвовать в жизни общины, или у Вас есть вопросы, обращайтесь по тел.: +7 (962) 939-08-02

E-mail: tamidzemixa@mail.ru

Священник Дионисий Гришков



Рус Православ Черкови. Москва Патриархияси

ҲАЁТНИНГ МАЪНОСИ НИМАДА?

Бу саволни, эҳтимол, ҳар бир инсон ҳаётида камида бир марта ўзига берган. Биз жавобни ишда, оилада, ижодда, саёҳатларда, билимда излаймиз. Кўпинча бу изланишлар лабиринтда адашгандек бўлади: шекилли, мана у, ечим! Аммо вақт ўтиб, яна бир сокин, тушунарсиз ҳасратни ҳис этамиз - асосий нарса ҳали олдимизда ёки яқинда, лекин уни қўлдан чиқаряпмиз.

Христиан нуқтаи назаридан бу туйғу тасодиф эмас ва умидсизликка сабаб ҳам эмас. Бу руҳимизнинг Яратгувчисини соғинаётган сокин овози. Худо бизни абадият ва чексиз севги учун яратган, шу сабабли биз буни топмагунча, юрагимиз бу ўткинчи ва ўзгарувчан дунёда тўла тинчлик топа олмайди.

Унда маъно нимада? Муқаддас Хушxabар берадиган жавоб ҳайратланарли даражада содда ва чуқур. Ҳаётнинг маъноси - Худо билан бирга бўлишда бўлган ҳақиқий, абадий бахтни топишдир. Бу бахтнинг икки ўлчови бор: дунёвий саёҳатимиз ва абадий мақсадимиз.

Дунёвий бахт: амрлар йўли

Кўпинча амрларга риоя қилиш - ҳаёт қувончини йўқотадиган қаттиқ қоидалар рўйхати деб





туйилади. Лекин шундайми? Буни бошқача кўринг. Исо Масихнинг амрлари - тақиқ эмас, балки Яратгувчининг инсонга бахт учун қандай яратилгани ҳақидаги “фойдаланиш қўлланмаси”.

Исо Масих айтади: *“Мен эса уларга ҳаёт, фаровон ҳаёт бериш учун келганман” (Юҳанно 10:10)*. У бизга ғамгин ҳаёт эмас, тўлақонли, мазмунли, ҳақиқий ҳаёт таклиф қилади. Худони ва яқинни севиш, кечириш, раҳм-шафқат, ҳукм қилмаслик ҳақидаги амрлар - мана шу ҳаётга олиб борадиган амалий йўл.

Ҳасад қилганда нима бўлади? - Ўзимизни ичимиздан еймиз.

Жаҳли чиққанда? - Муносабатларни бузиб, руҳимиздаги тинчликни йўқотамиз.

Ҳукм қилганда? - Бошқани камситиб ўзимизни кўтарамиз ва одамлардан узоқлашамиз.

Исо Масих эса ҳозирдан руҳимизни шифо берадиган йўлни таклиф қилади. Кечирганда хафағарчиликдан озод бўламиз. Ёрдам берганда ҳақиқий қувонч ҳис қиламиз. Ҳар нарса учун Худога шукрона қилишни ўргансак, ҳаёт бўронларида ҳам тинчлик топамиз.

Шундай қилиб, ҳаётимизнинг дунёвий маъноси - севги ўрганишдир. Бу шогирдлик йўли: қоқилиб, йиқилиб, лекин Худонинг ёрдами билан яна туриб, бошқа одамда Худо суратини кўришни, қувончда ҳам, қайғуда ҳам Унга ишонишни ўрганамиз. Бу асосий нарсага тайёргарлик.

Абадий бахт: Севги билан учрашув

Дунёвий ҳаётимиз - абадиятга тайёргарлик. Энг яқин ва севимли инсонгиз билан узоқ ажралгандан кейин бўладиган учрашувни тасаввур қилинг. Бу

учрашув қувончи - ўлим эшигидан ўтган одамни кутаётган чексиз шодликнинг фақат заиф сурати, агару Худога интилган бўлса.

Абадий бахт - бу чиройли жойда тинчгина яшаш эмас. Бу Худо ёнида бўлишдан келадиган чексиз, тўлиб-тошган қувонч ҳолати. Муқаддас оталар буни “илоҳийлашув” деб атайти - инсон ўз шахсиятини сақлаган ҳолда Худо билан шунчалар бирлашадикки, Унинг инояти, нури ва саодати билан тўлади.

Ҳаворий Павлусга Худо бу ҳақиқатни кўришга рухсат берган эди, у шундай дейди: *“Ҳеч бир кўз кўрмаган, ҳеч бир қулоқ эшитмаган, инсон ақли бовар қилмаган ажойиботларни Худо Ўзини севганлар учун тайёрлаб қўйган.” (1 Коринфликлар 2:9)*. Ҳеч қандай дунёвий қувонч Раббий севганларига тайёрлаган нарсага тенг кела олмайди.

Мана шу мақсадни Исо Масих кўрсатади: *“Сизлар аввало Худонинг Шоҳлиги ва Унинг иродасини бажариш пайида бўлинглар, шунда қолган ҳамма нарса сизга берилади.” (Матто 6:33)*. У дунёвий ҳаёт осон ва булутсиз бўлишини ваъда қилмайди. Лекин агар ҳаётимизнинг асосий йўналиши У ва Унинг ҳақиқати (яъни амрлари) бўлса, ҳар кунимиз маънога тўлади, қайғуларда тасалли топамиз ва охири-оқибат абадиятда тўла қувончни оламиз, деб ваъда қилади.

Бу йўлни қандай бошлаш мумкин?

Дарров ўзингизга оғир вазифалар қўйманг. Минг қақиримлик йўл биринчи қадамдан бошланади. Мана шу қадамлар бўлиши мумкин:

- Худога самимий мурожаат қилиш. Юрагингизни

